НОВЕЛЛАНИНГ АМЕРИКА АДАБИЁТИДАГИ ЎРНИ ҲАҚИДА

Н.Досбаева

Мақолада новелланинг миллий жанр сифатида америка адабиётидаги ўзига хос ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш асосий мақсад қилиб олинган.

***Калит сўзлар**: новелла, жанр, шакл, мазмун, анъана, сюжет.*

Основной целью статьи является показать особое место и значение новеллы как национального жанра в американской литературе.

***Ключевые слова**: новелла, жанр, форма, смысл, традиция, сюжет.*

The main aim of this article is to prove the place and value of the short story as the national genre in American literature.

***Key words**: short story, genre, form, meaning, ending, specificity, traditions.*

АҚШ ҳикоячилиги икки асрдан ортиқ адабий анъанага эга. Вашингтон Ирвинг замонасидан то ҳозиргача америка новелласи (биз уни ҳикоя деб атаймиз) жаҳон адабиётида ўзининг бебаҳо ўрнини йўқотмай келди. Таниқли америкалик ҳикоянавис Брет Ҳарт “Новелланинг келиб чиқиши” (The Rise of the Short Story) номли мақоласида ҳатто “Новелла - америка адабиётининг миллий жанри” [3], деб қайд қилишни лозим топади. Машҳур ирландиялик ҳикоянавис Фрэнк О`Коннор эса “америкаликлар учун новелла – миллий санъат туридир” [4], деб белгилайди.

Чиндан ҳам, америка адабиётида ҳикоя алоҳида аҳамиятга эга. XIX асрда Европа адабиётида реалистик ижтимоий роман марказий нуқтани эгаллаб турган бир вақтда, Америкада танқидий-реалистик роман бор бўйича гавдалана олмаган эди. Аср ўрталарида Англия ва Америкада турли даврий нашрлар сони ўсиб боради. Фарқ шунда эдики, инглиз матбуотида асосан Диккенс, Теккерий сингари машҳур адибларнинг улкан романлари чоп этилса, америка матбуоти нашрларида салмоқли жойни “short stories” – “қисқа ҳикоялар” эгаллаб турарди.

Америка адабиёти тарихчиларига ҳатто йирик реалист ёзувчи Марк Твеннинг XIX аср қиссалари ҳам замонавий ижтимоий роман шакли ва услубидан йироқ бўлгани яхши маълум. XIX аср охирига бориб ижтимоий руҳдаги роман яратишга бекиёс ҳисса қўшган машҳур америкалик ёзувчи ва танқидчи Вильям Дин Ховелс ўша пайтдаги америка адабиёти ҳақида: “Бизда истаганингизча ҳикоя кўришингиз мумкин, аммо романчилик жанрида инглиз, француз, рус ва бошқа чет эл адабиётларидан ортда қолиб кетганмиз” [2.136],- деб ёзган эди. Улкан танқидий-реалистик ижтимоий роман АҚШда фақат 20-асрнинг бошида, Теодор Драйзернинг “Бахтиқаро Керри” ва “Америка фожиаси” асарлари билан пайдо бўлади. Бу кечикиш Америка ҳаётининг тарихий ўзига хосликлари билан изоҳланади.

Айнан мана шу шарт-шароит америка ҳикоячилигининг гуллаб-яшнашига маълум маънода кўмак берди. Тарихда XIX асрдаги америка турмушининг ранг-баранглиги ва шиддаткорлиги ҳамда новелланинг муваффақиятига хизмат қилган “журналча тартиб”даги адабиётга ишоралар учрайди. Унинг шаклланиш замирида эса оғзаки ҳикоячилик баёни ётади. XIX асрнинг бошида океан ортига саёҳат қилиб борганлар сон-саноқсиз “қувончли ва ажабтовур” ҳикояларни эшитишади, улар исталган ерда баён қилиб кетилаверади. Америка оғзаки ҳикоячилиги мўйнали ҳайвон овловчилар (траппер) тўқиган афсоналардан бошланади. Қизилтанлилар эпосидан айрим нарсаларни ўзлаштириб олган трапперлар ўзлари эпик ибтидоий табиат шароитида ҳаёт кечирган даврлар тўғрисида ҳикоялар ярата бошлайдилар. Тез орада оғзаки ижодни кейинчалик бутун америка адабиётида из қолдирган “америкача юмор” қамраб олади. Юмористик фольклор асосида эса 30-йилларнинг юмористик маиший новелласи шакллана боради. Америка фольклорида, айниқса, қора танлиларнинг африканча оғзаки ижод анъаналари ўзига хос ўрин эгаллаган. М.Твен, Э.По ва Ж.Лондон сингари XIX асрнинг буюк ҳикоянавислари мана шундай ҳикоячилик руҳида тарбияландилар.

Роман ва новелла ҳам шакл, ҳам ички жиҳатдан бир-бирига ўхшамагани учун ҳеч қачон бир хил пайтда, бир хил суръатда ривожлана олмаган. Маълум бир даврда маълум бир адабиётда ё ҳикоячилик, ё романчилик тараққий қилган. Ҳикоя бирор бир қарама-қаршилик, номутаносиблик, англашмовчилик ёки зиддият асосида қурилиши лозим. Ҳикоя латифа сингари ўзининг бутун оғирлигини якуний қисмга тўплаб боради. Худди самолётдан ташланган снаряд мисоли у юқори тезликда пастга қулаб, керакли нуқтага ўткир учи билан санчилиши керак. “Short story” – “ҳикоя” икки шартнинг келишиши асосида вужудга келган атама: кичик ҳажм ва якундаги сюжетли зарба.

Новелла ўз шаклланиш даврларида АҚШ халқ оғзаки ижодидаги ҳикоячилик билан яқин боғлиқликда бўлса, энг янги америка адабиётида бу боғлиқлик йўқолади. Чунки бу пайтга келиб халқ ижоди ҳам маълум даражада миллий сўз санъатидаги ўрнини йўқотган бўлади.

Албатта, ҳикоя маълум маънода роман ўрнини босиб, XIX аср америка жамиятининг мураккаб маънавий ва моддий ривожланиш жараёнини тўлиқ гавдалантира олмаган. Бу даврда жамиятнинг адабий тарихини фақат роман инъикос эта олиши мумкин эди. Шунга қарамай, тан олиш керакки, XIX аср америка ҳаётининг муҳим ҳодисалари айнан новеллада ёрқин ва ишонарли акс эттирилди.

Ҳикояда ҳаракатчанлик туфайли юзага келадиган жанр устунликлари бор. У романга бўйсуна туриб, ҳаттоки ундан тез-тез ўзиб кетади. Бундай пайтларда у воқеликни бадиий англашнинг ўткир ва таъсирчан қуролига айланади. Жамият ижтимоий ҳаётида ва инсон руҳиятида содир бўладиган янги ўзгаришларни етказиб бериш учун романнависдан ҳаётни синчковлик билан таҳлил қилиш талаб қилинса, новеллада биргина инсон тақдирининг драматик бурилишини ёритиш билан бу вазифани адо этиш мумкин. Деярли барча америка ҳикоялари мана шу принциплар асосида яратилган. Айтиб ўтганимиздек, Эдгар По финалдаги кутилмаган ҳодисаларга катта аҳамият берса, айрим ёзувчиларда бу “сюжетли пружина” эффекти бироз заифроқ, лекин ҳикоя қурилиши ўшандай қолади. Масалан, Брет Ҳарт ҳикояларида топишмоқни баён этиш жараёни уни топишдан қизиқарлироқ чиқади.

Америка новелласи В.Ирвинг, Э.По, Н.Ҳоторн, Б.Ҳарт, Ҳ.Жеймз ва бошқалар ижоди билан ўзининг дастлабки босқичларини босиб ўтди. У услуб ва қурилишда ўзгарган бўлса ҳам, лекин жиддий ва “кўтаринки руҳ”ли эди. Саксонинчи йилларгача новелла “жиддий” қолипда сақланган бўлса, М.Твеннинг қувноқ ҳикоялари орқали новелла маълум даражада латифа йўлига бурилди. Бунда кутилмаган финал воқеаси сюжет схемаси билан ўйнашаётганга ўхшайди, ўқувчи кутаётган нарсанинг бутунлай акси бўлиб чиқади. О’Ҳенрини бу борада максимал натижаларга эришган новеллачи десак, муболаға бўлмайди.

Америка романтизмида ҳикоячиликнинг ўрни беқиёс. Айрим романтик новеллалар умидсизлик ва зулматга бурканган билан ҳайратга солади. Пессимистик кайфиятдаги Ҳоторн замонавий жамият маънан заҳарланганини (“Ёш Браун”) уқти-

ришга киришади. Эдгар По байрам куни қаҳрамонини (“Амонтильядо бочкаси”) шафқатсизларча ажал чангалига топширади.

Мустамлака ерларида вужудга келган жамоатчилик ва шахсий масалалардаги муносабатлар 60-70-йиллар новеллаларида (Ҳарт, Твен, Кейбл) акс эттирилади. Ушбу ёзувчилар асарларидаги персонажлар – дўстлик, бурч ва севги борасида худбинлик нималигини билмайдиган очиқ кўнгилли кишилар; улар жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар фонида замондан орқада қолган анойилар бўлиб кўринади. Ҳартнинг “Калифорния ҳикоялари” АҚШда реалистик новелланинг ривожланишига улкан туртки бўлди. Адиб дунёга реалистик назар ташлаб, айни пайтда уни романтик руҳда қабул қилади. Бу ҳикоялар билан бирга миллий адабиётга Ғарбнинг маҳаллий колорити ва шеваси кириб келади.

XIX асрнинг 80-90-йиллари натуралист ёзувчилари мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга реалистик ёндашадилар. Аср охиридаги натуралистик новелла америка ҳаётини кескин ва дағал чизгиларда ифодалайди, европа адабиёти тажрибаларидан жасурлик билан фойдаланган адиблар жамият асосидаги ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳам юзага олиб чиқишади. Ҳарленд, Норрис ҳикояларида капиталистик муносабатларнинг хунук томонлари ошкора ёритилади. Амброз Бирснинг урушни тасвирловчи ҳикояларида на романтика ва на пафос бор. Инсониятнинг уруш аталмиш жарлик ёқасида қанчалар ночор ва тубан аҳволда қолиши қўрқинчли жанг саҳналарида акс эттирилган. Крейн ҳаёт тасвирининг идеаллаштирилган методига ҳужум қилади. У тасвирлаган қашшоқлик, синфий кураш лавҳаларида муаллифнинг одамларга ачиниши сезилиб туради.

XX аср бошларига келиб америка адабиётида новелланинг нуфузи бироз пасаяди. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, бу пайтда АҚШ адабиёти тарихида узоқ кутилган катта реалистик танқидий роман пайдо бўлади. Энди ҳикоя романнинг ортидан изма-из боради, у билан биргаликда муҳим ижтимоий масалаларни ёритади. Ҳикоячилик америка адабиётида маълум маънода ўзининг жалб қилувчи хусусиятларини сақлаб қолиб, йирик адибларни қайта-қайта қисқа баён тарзига мурожаат қилишга ундайди. Ринг Ларднер новеллистикасида М.Твенга хос бўлган “деворни йиқитиб, унинг ортида яширинган одамлар ва хатти-ҳаракатларни кўриш” анъанаси мавжуд. Замондоши Шервуд Андерсон каби, Ларднер ҳам кундалик турмушда учрайдиган маълум вазиятни фожиага айлантиради, унинг асосий нишони – худбинлик, лоқайдлик, ҳиссизлик. Кэтрин Энн Портер ҳикоялари чуқур психологизм ва метафорика билан ажралиб туради. “Умрим давомида ҳали реал кишилик мулоқотига асосланмаган бирорта ҳикоя ёзмадим”, дея эътироф этади Портернинг ўзи [1.365]. Адиба ижодига ҳамма нарсадан хабардор муаллиф позициясидан туриб баён қилиш усули хосдир.

Альберт Мальц новеллистикаси ҳам диққатга сазовор. Адиб ўз ҳикояларига ишчилар, фермерлар, ишсизлар ва аросатда қолган болалар ҳаётини материал қилиб олади. Ҳикоялар кескин реалистик руҳда ёзилган. Натуралист Э.Колдуэлл сингари у новеллаларида мамлакат жанубидаги қора танлиларнинг аянчли тақдирларини қора рангларда чизади. Адиб ҳар бир қаҳрамонининг нутқини индивидуаллаштиришга ҳаракат қилади, бунинг учун у персонаж яшайдиган муҳит шеваси ва сленгидан кенг фойдаланади. Қора танли шоир ва новеллачи Л.Хьюз каби ҳикояларини аниқ деталлар билан тўлдиради, ирқчиликни фош қилиб, унинг қурбонларини бош эгишга эмас, инсонлик қадр-қиммати учун курашишга чақиради.

Демак, америка адабиётига конструктив бирлик асосида қурилган, асосий эффекти марказлаштирилган ва якунига кучли урғу берилган ҳикоячилик хосдир. XIX аср давомида америка новелласи аста-секин америка ҳаётини ўзлаштириб боради, уни у ёки бу саҳнада очиб, шу тариқа бадиий бойлигини тўплайди.

Адабиётлар:

1. Засурский Я., Злобин Г., Ковалев Ю. Писатели США. – М.: Радуга, 1990. – 620 с.
2. Старцев А. От Уитмена до Хемингуэя. – М.: СП, 1981. – 375 с.
3. Bret Harte. Short stories: Bret Harte on their origin and his own part in it. - http://query.nytimes.com/mem/archive-free/pdf
4. Scofield Martin. The Cambridge Introduction to the American Short Story. Ch. 1. - Canterbury: 2006. http://www.cambridge.org/uk/catalogue/catalogue.asp

Наманган давлат университети,
2016 йил 18 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)